Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 119 (6. 818) ◉ 1989 йил 25 май, пайшанба ◉ Баҳоси 3 тийин

СССР халқ депутатлари съезди партия группасининг йиғилиши

23 май куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев раислигида СССР халқ депутатлари съезди партия группасининг йиғилиши бўлди. СССР халқ депутатлари съездини ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

(ТАСС).

Тонгги газеталарда

◉ 23 май куни М. С. Горбачев Кремлда Ҳиндистон элчиси Трилоки Натх Кауль, Швеция элчиси Андерс Тунборг, Аргентина элчиси Федерико С. Браво, Мексика элчиси Хуан Хосе Бремер Мартинонц, Грециянинг муваққат ишлар вакили Аристидис Сандис ва Танзаниянинг муваққат ишлар вакили Маҳмуд Иссани қабул қилди. Улар Ер курраснинг тўрт қитъасидан вакил бўлган ва яқинда ташкил этилган кунининг беш йиллигини нишонлаган машҳур «олтилар» группасини ташкил этувчи ўз давлатларн раҳбарларининг декларацияси топширдилар. Ана шу ҳақда батафсил ҳисобот тонгги газеталарда эълон қилинган.

◉ Бугун Москвада СССР халқ депутатлари съезди ўз ишини бошлади. Съезд арафасида «Известия» газетасининг редакцияси бир қатор СССР халқ депутатларига саволлар билан мурожаат этди. Бугун газетанинг учинчи саҳифасида депутатларнинг ана шу саволларига жавоблари газетхонларнинг съездга мактуби билан бирга эълон қилинган.

◉ Республика газеталарида «Ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасидаги СССР бирлашган кооперативлари иттифоқининг Устави» лойиҳаси берилган.

БУГУН МОСКВАДА СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

Халқ умиди

Бугун Москвада СССР халқ депутатларининг съезди очилди. Халқимиз ўзининг ҳақиқатан ҳам энг муносиб вакиллари—ишчилар, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларга қайта қуриш, революцион ўзгартишларнинг тақдирини ишониб топширдилар. Кишиларнинг ўзлари танлаган, бир неча бор ёқлаб овоз берган депутатларидан умидлари катта. СССР халқ депутатларининг съездида мамлакат ва ҳар бир совет кишиси манфаатини ўйлаб янги қонунлар ва қарорлар қабул қилинишига кўз тикилмоқда.

Эндиликда ҳар бир сайловчи ўз депутатининг унинг наказларини қандай бажараётгани, ўткир, мураккаб масалаларни ҳал қилишда ақл-заковат, принципиаллик ва қатъият билан иш тута олиш-олмасликларининг гувоҳи бўлиш мумкин. Марказий телевиденне ва радио СССР халқ депутатлари съезднинг боришини тўлиқ кўрсатади ва эшиттиради.

Мухбиримиз кеча Москвадаги СССР халқ депутатлари истиқомат қилаётган «Россия» меҳмонхонаси билан боғланди. Телефонни «Қишлоқ ҳаҳқати»—«Сельская правда» газетасининг редактори, Ўзбекистон Журналистлар союзи правленнесининг раиси Аҳмаджон Ғуломович МУХТОРОВ олди:

— 23 май куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев раислигида бўлиб ўтган СССР халқ депутатлари съезди партия группасининг йиғилишида иштирок этдим. Унда СССР халқ депутатлари съездини ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Съезд арафасида депутатларнинг хаммаси ҳаяжонланаётганлиги табиий. Биз халқ ўз депутатларига нақадар катта умид ва ишонч билан қараб турганлигини чуқур ҳис этмоқдамиз. Одамларнинг бу умидларини албатта оқлашга ҳаракат қиламиз.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесарлар бригадири Владимир Тўйчиевич ОДИЛОВ:

— Москвага келишдан олдин Ўзбекистондан сайланган биз депутатлар республика Компартияси Марказий Комитетида йиғилишиб, съезд органларига тавсия этиладиган вакиллар ҳамда ўртага ташланадиган муаммолар хусусида ўзаро келишиб олгандик. Ҳақиқатан ҳам республикамизда Иттифоқ миқёсида ҳал этадиган муаммолари жуда кўп. Халқ биздан уларнинг энг муҳимларини ҳал этишимизни талаб этмоқда. Орол масаласи, пахта монокультураси шулар жумласидандир.

СССР халқ депутатларининг съезди арафасида ҳаммамиз ҳаяжондамиз, албатта. Негаки, ҳар бир депутат съездга халқ дарди билан келган. Шу жумладан, мени ҳам кўп нарсалар ўйлантирмоқда. Маълумки, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида жойларда барча ҳокимият халқ депутатлари Советлари қўлига ўтказилсин, деб аниқ-равшан айтиб ўтилди, «Барча ҳокимият — Советларга!» шиори ўртага ташланди. Бироқ ҳали кўпгина жойларда бунга эришилгани йўқ. Демак, биз съездда ана шу масалани қандай амалга ошириш чораларини кўришимиз лозим.

Бундан ташқари «Тошкент оқшоми» газетасидаги кўпгина чиқишларимда миллатлараро муносабатларга оид фикр ва мулоҳазалар ҳам билдирган эдим. Биз ҳар қандай йўл билан барча совет халқлари ва элатларининг дўстлигини мустаҳкамлашимиз зарур. «Куч — бирликда», деб бежиз айтмайдилар. Ўйлайманки, съездда ҳам миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган фойдали фикр ва мулоҳазалар бўлади.

Мен оддий бир ишчиман. Шундай экан, бугунги кундаги экономикамиз хусусида ўйламай иложим йўқ. Очиғи ҳали экономикамиз оқсашда... Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг сифати паст, таннархи юқори, нарх-наво баланд... Ишлаб чиқаришга оид кўпгина, қарорлар қабул қилганмиз, аммо улар қоғозда қолиб кетяпти. Ҳали ҳам команда — буйруқбозлик системаси тўла барҳам топгани йўқ. Буларнинг ҳаммасига зарба беришимиз керак. Мен аминманки, съездда чуқур, ўйланган, асосли қарорлар қабул қилинади. Бу эса қайта қуришни янада жадаллаштиришга, демократия ва ошкораликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда барча ишлаб чиқариш корхоналари олдида турган долзарб вазифа—маҳсулотларнинг аъло сифатини таъминлашдир. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида бу борада салмоқли тадбирлар қўлланиляпти. Техник назорат бўлими ҳар бир маҳсулотнинг истеъмолчилар талаби даражасида бўлиши учун интилмоқда.

Бичиш-тикиш цехининг тикувчи-мотористкаси Шарифа Тўхтаева бу бўлим ходимларнинг талабларига риоя қилиб ишлаш қиёсатда муҳим деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам у брак ўтказиб юбормасликка ҳаракат қиляпти.

СУРАТДА: Тикувчи Ш. Тўхтаева ва техника назорати бўлими ходими М. Жўраева.

Р. Шарипов фотолари.

ЖАҲОН ЧИЦА СОАТ

◉

САН-ФРАНЦИСКО. Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи савдосотиқ соҳасида ишончли шериклар бўлишлари мумкин ва зарур. СССРдаги қайта қуриш ва Совет — Америка муносабатларининг нормаллашуви бунинг учун ҳозирги вақтда энг қулай шарт-шароит яратмоқда. АҚШнинг ғарби ва совет Узоқ Шарқи ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликка бағишланиб бу ерда бўлиб ўтган икки томонлама муносабатлар тарихида энг нуфузли конференция қатнашчиларининг асосий кўпчилиги ана шундай қатъий фикр билдирди.

◉

ВАШИНГТОН. Бизнинг сайёрамиз аҳолиси сони 5 миллиард 234 миллион кишига етди. Кейинги икки йил мобайнида дунё аҳолиси деярли чорак миллиардга кўпайди. Бу ерда нуфус бўйича хусусий ташкилот шуларни хабар қилди. Бюро тайёрлаган маълумотномада таъкидланишича, дунё аҳолисининг бир йилда ўсиш сурати ҳозир 1,8 фоизни ташкил этади. Ривожланаётган мамлакатларда 77 фоиз аҳоли яшайди.

Хитой дунёдаги аҳолиси энг кўп бўлган мамлакатдир, у ерда 1 миллиард 103 миллион киши истиқомат қилади.

◉

МАНХЭТТЕН шаҳри марказий қисмининг ғарбида жойлашган Нью-Йоркдаги энг катта касалхоналар марказларидан бири — «Сен-Льюк» ёпиб қўйилди. Бутун бинода тез ёрдам кўрсатувчи фақат битта бўлим ишлаб турибди, бироқ, унда ҳам касалларни қабул қилиш чеклаб қўйилган. Марказнинг 1300 медицина ходимлари иш ташлашининг сабаби, уларнинг янги меҳнат шартномаси тузилишига беш ойдан буён ҳаракат қилаётганлигидир.

◉

МАДРИД. Мамлакат аҳолиси умумий ёш баланси кекса кишилар сонининг барқарор ўсиши — кейинги вақтларда Испания демографик вазиятининг характерли томонидир.

Меҳнат ва социал таъминот министрлиги парламент сўровига тайёрланган жавоб ҳужжатида шу ҳақда хабар берилади. Кейинги олти йил мобайнида Испанияда кекса кишилар сони қарийб 16 фоиз кўпайди ва маълумотларга қараганга, 1987 йил охирига келиб 4 миллион 900 мингдан кўпроқ кишини ташкил этди.

◉

НЬЮ-ЙОРК. Нидерландиялик 22 ёшли тайёр кийимларни намойиш этувчи Анжела Виссер «Мисс юниверс»нинг янги тож соҳибаси бўлди. У Мексиканинг Канкун шаҳрида ниҳоясига етган ҳар йилги гўзаллик конкурсида ғолиб бўлди, деб хабар қилди Ассошиэйтед Пресс ахборот агентлиги. Конкурсда дунёнинг кўпгина мамлакатларидан 76 вакила иштирок этди. Шундан кейингина ўринларни Швеция, АҚШ, Польша ва мексикалик қизлар эгаллашди.

ЖАҲОН ЧИЦА СОАТ

Ўзбекистон меҳмонлари

Кипр оролида яшовчи грек ва турк жамоалари оммавий ахборот воситаларидан вакил бўлиб келган Кипр журналистлар уюшмасининг делегацияси бир неча кун давомида Ўзбекистон билан танишди.

Меҳмонлар Ўзбекистон Журналистлар союзида, СССРда истиқомат қилувчи грек сиёсий муҳожирлари марказий жамиятида қабул қилинди. Делегация Тошкент областининг колхоз ва совхозларига борди.

Тошкентда меҳмонлар шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида, «Интурист» маданий-ахборот марказида бўлдилар, «Шарқ» театрида «Ўзбекча тўй» спектаклини томоша қилдилар.

Кипрлик журналистлар Самарқандга ҳам сафар қилиб, қадимий шаҳарнинг тарихий ёдгорликлари билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

Мактаблар қурилиши «Оқшом» назоратида

Хўжалик ҳисобига ўтилди, аммо...

А. Икромов районининг Зиё Саид кўчасида 116-мактабга қўшимча синфхоналар қурилмоқда. Бу ерда бунёдкорлик ишларини 159-трестга қарашли 9-қурилиш бошқармаси коллективи олиб бораяпти. Пардозлаш трестининг 31-қурилиш бошқармаси коллективи эса сайқаллаш ишларига мутасадди.

Технологик талабларига биноан мактаб биноси қўрсатилган муддатидан уч ой олдин фойдаланишга топшириб қўйилиши керак. Чунки ўқув жиҳозлари ва кабинетларни мослаш, керакли ўқув қуроллари билан жиҳозлаш каби бир қатор юмушлар янги ўқув йилига қадар ҳал қилиниши лозим.

Хўш, мазкур объектда аҳвол қандай? Бу саволларимизга бўёқчилар бригадаси бошлиғи Т. Келдиев ва дурадгорлар етакчиси В. Р. Даҳовлар «яхши эмас», дея жавоб беришди. Объектда материал етишмаслиги оддий ҳолга айланиб қолган.

— Бригадамиздаги 11 киши 6 кундан буён бекор ўтирибди,— дейди В. Р. Даҳов. — Гоҳ мих, гоҳ бошқа қурилиш материали йўқ. Мана 40 иш кунида 20 квадрат метр пол қоқибмиз.

— Хўжалик ҳисоби системасида ишлаяпсизларку...

— Ишлаётганимиз билан барибир «Эски ҳаммом, эски тос» бўляпти,—деб сухбатга қўшилди бўёқчилар бригадаси етакчиси Т. Келдиев.—Бир ой шу янги системада ишладик. Шунда «Алгоритм» массивидаги турар жой биносининг бир подъездидаги 16 та квартирани 4250 сўмга шартлашиб олиб ишладик. Муддатидан олдин сифатли қилиб адо этдик. Сўнгра шу массивдаги турар жой биносининг уч қаватини сайқалдан чиқардик. Бу ишни ҳам муддатидан олдин адо этдик. Мукофотига эса ҳеч қандай ҳақ тўланмади. Сабаби биз ўз «брак»имизни қайтадан бажарган эмишмиз. Ваҳоланки, биз бу объектда ишламаган эдик. Ҳозир эса алиф йўқ. Икки мартадан бўёқ ишларини олиб бораяпмиз. Ваҳоланки, бино хоналарига электромонтаж, сантехника жиҳозлари ўрнатиб бўлгандан сўнг бўёқ ишлари олиб борилиши керак. Буни бошқарма бошлиғи С. Вармалов ва бош инженер Н. Бобоёровлар объектга бирор маротаба келишмаган бўлса ҳам билишади. «Бекор ўтирмаларинг», деб буйруқ беришадию, қурилиш материаллари билан таъминлаш уларнинг эсларига келмайди. Қурилиш технологиясига умуман амал қилинмайди.

Объектда ишчилар вақтларини арзимаган ишлар билан ўтказишаяпти. Улар мактаб биноси тугаганидан сўнг, қайси объектга ишга боришларини ҳам билишмайди. Чунки планлаштириш ишлари мақсадга мувофиқ эмас. Қолаверса, маъмурият бинокорлар ҳолидан ҳеч хабар олармикин? Район халқ таълими бўлими мутасаддилари-чи?

Д. МУРОДОВ.

⊙ Бугун шаҳримиз мактабларида сўнгги қўнғироқ чалинди.

Рўй-рост мулоқот

ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОМИТЕТИ ХОДИМЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ УНИВЕРСИТЕТИ СТУДЕНТЛАРИ ВА ЎҚИТУВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Тошкент давлат университетида бу галги меҳмонларни зўр қизиқиш билан кутдилар: ахир бундай учрашувлар бу ерда илгари ҳеч қачон бўлмаган эди. Университетга Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети бошқармасининг бошлиғи Ж. Муртазоев, тергов бўлимининг бошлиғи Г. Биндасов, комитет бўлинмаларининг бошлиқлари Б. Бозоров, А. Эшонқулов ва бошқа ходимлар келишди.

Б. Бозоров йиғилиш аҳлини ҳозирги шароитда давлат хавфсизлиги органлари ишининг асосий йўналишлари билан таништирди.

Кейинги вақтларда гўё биз Ғарбнинг махсус хизмат маҳкамалари, «қандайдир чет эл агентлари» билан одамларни чўчитаётганлигимиз тўғрисида ҳар хил фикрлар эшитилмоқда,— деди у.— Реал воқеа шундан иборатки, ана шу маҳкамаларни ҳеч ким тарқатиб юбормаган. Улар ўзларининг душманлик фаолиятини кучайтирмоқдалар, халқаро муносабатлардаги илиқликдан фойдаланишга, қайта қуришга тўсқинлик қилишга уринмоқдалар.

Республикага келаётган чет эл гражданлари — туристлар, олимлар, мутахассислар, студентлар сони кўпайиб бормоқда. Уларнинг кўпчилиги Совет Иттифоқига нисбатан дўстона кайфиятдадир. Аммо шундай кишилар ҳам борки, уларнинг хатти-ҳаракатлари қонун доирасидан чиқиб кетади. Чет эллардаги совет гражданларига нисбатан иғвогарликлар тез-тез учраб турибди.

Ғарбдаги бир қанча мамлакатларнинг махсус хизмат маҳкамалари, қўпорувчилик билан шуғулланувчи идеология марказлари мамлакатимизда яширин, ярим ошкора ва ҳатто ошкора ташкилотлар тузилишини бутун чоралар билан рағбатлантирмоқдалар. Ана шу ташкилотлар ўша марказларнинг кўрсатмаси билан иш кўраётганликларини ҳатто ўзлари ҳам билмайдилар. Айрим сафсатабозлар эса миллий ҳиссиётларни қўзғатиб ўзларининг экстремистик хатти-ҳаракатлари билан махсус хизмат маҳкамаларининг мамлакатдаги сиёсий вазиятни издан чиқариш борасида актив фаолият олиб бориши учун реал шарт-шароит яратиб бермоқдалар.

Ана шундай гуруҳлардан бири — «Демократик иттифоқ», деб аталиб, унга илгари давлатга қарши фаолияти учун судланган ва Советларга қарши марказлар билан алоқа боғлаб турувчи кишилар бошчилик қилмоқда. Улар демократиялаш жараёнидан Совет давлати ва ижтимоий тузумга душманчилик мақсадларида фойдаланишга уриниб, одамларни мамъурлар билан тўқнашувга ундамоқдалар, коммунистлардан ўч олишга даъват этиб, ёшларни ўз таъсирига олишга интилмоқдалар.

Кейинги вақтларда республикамизнинг бир қанча районларида ҳам баъзи масъулиятсиз шахслар социализмга қарши, миллатчилик тусидаги ва шариатнинг энг эскирган қонун-қоидаларига амал қилмаётган ўзбек хотин-қизларига дўқ-пўписалар баён этилган варақалар тарқатдилар.

Буларнинг ҳаммаси эса аслида чет эллардаги мафкуравий қўпорувчилик марказлари СССРга қарши фаолияти программасининг такрорланишидир. Машъум «Озодлик» радиосининг Мюнхенидан ўзбек тилида эшиттиришлар берадиган бўлимаси ислом давлати тузиш тўғрисидаги фикрни тиқиштиришга тобора фаолроқ уриниб, миллатчилик кайфиятларини авж олдирмоқда, иғвогарона шов-шувларни зўр бериб тарқатмоқда.

А. Эшонқулов ўз нутқида ўлкада хавфсизлик органларининг қарор топиш тарихи тўғрисида, чекистларнинг Совет ҳокимияти йилларида тўпланган шонли жанговар анъаналари ҳақида, республика давлат хавфсизлиги комитетининг ходимлари ҳозирги вақтда ҳам ана шу анъаналарга содиқ бўлиб қолаётганликлари тўғрисида гапириб берди.

Давлат хавфсизлиги органлари, ижтимоий-сиёсий тузумимизни ташқаридан, шунингдек мамлакат ичкарисидан бўладиган ҳар қандай душманлик ҳамлаларидан ҳимоя қилиб, жиноятчиларнинг йўлини тўсмоқдалар. Иғвогарлар эса давлат хавфсизлик комитетининг кучи омма билан алоқада эканлигини тушуниб, бундай алоқани узиш учун ҳамма ишни қилмоқдалар.

Ана шу нутқлардан кейин мулоқот бошланди. Студентлар ва ўқитувчилар ҳозирги куннинг долзарб муаммолари тўғрисида комитет ходимларига саволлар бердилар. Уларнинг саволларига батафсил холис изоҳлар берилди. Комитет ходимлари чет эл махсус хизмат маҳкамалари иғвогарлик материаллари, варақалари бўлган ва пинҳона келтирилган китоблар, ярим чўнтаги бўлган кийим-кечаклар, хизмат ёзишмаси тариқасидаги мактубларни мамлакатимизга юбориш учун қай тарика ҳийла ишлатаётганликларини намойиш қилиб бердилар.

— Давлат хавфсизлиги комитетида совет кишиларининг чет эл гражданлари билан ёзишмаларини ўқишадими? — деб сўради студентлардан бири.

— Йўқ ва бундай қилиш учун ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмаслар, — деб жавоб қайтарди Г. Биндасов. — Фақат тергов манфаатларини кўзлаб, фавқулодда ҳолларда прокурорнинг рухсати билан шундай қилиш мумкин.

— Нима учун одамлар сизлардан қўрқишади? — ана шундай ёзма савол тушди.

— Ҳалол одамлар бизлардан қўрқишмайди, — деб қатъий жавоб берди Ж. Муртазоев. — Чунки биз одамлар манфаатларини кўриқлаймиз. Шунинг учун улар зарур бўлганда ёрдам сўраб бизга дадил мурожаат қиладилар.

Учрашув узоқ давом этди. Пировардида хавфсизлик органларининг ходимлари жамоатчилик билан тез-тез учрашиб туришлари, ўз фаолиятидан хабардор қилиб туришлари ҳақида таклиф билдирилди. Давлат хавфсизлиги комитети ходимлари бу фикрни маъқулладилар.

Б. ҲАСАНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Инқилобчи хотирасига

Назир Тўрақуловнинг номини ўзбек халқи яхши билади. 1918 йилдан партия аъзоси бўлган революционер Туркистондаги кўпгина партия ташкилотларида меҳнат қилиб, унинг бир қанча съездларида иштирок этган. 1939 йилда репресия қурбони бўлди...

Шаҳримиздаги 283-ўрта мактаб 1967 йилдан буён Назир Тўрақуловнинг номи билан аталади. Революционер хотирасини абадийлаштириш учун куни кеча мактаб ҳовлисида унга ёдгорлик ўрнатилди. Назир Тўрақулов сиймоси гавдаланган бу бюстни шаҳримиздаги ҳайкалтарошлик экспериментал ишлаб чиқариш комбинати ясаган.

— Ёдгорликни ўрнатишда мактабимиздан Тошкент шаҳар Советига депутат этиб сайланган Сайфуддин Бузрукхўжаев катта ёрдам кўрсатди, — дейди 283-ўрта мактаб директори А. Алимов. — Бундай хайрли ишнинг кечи йўқ. Ёдгорлик икки йил бурун тайёр бўлганига қарамай, ҳовлига ўрнатолмаётгандик. Ота-оналар комитети аъзоларининг ўз депутатларига берган наказлари самарали бўлди.

Соя-салқин хиёбондаги деярли уч метрга чўзилган ёдгорлик устидаги бюст атрофга маҳрум қараётгандек. Назаримизда Назир Тўрақулов ўзининг бахтли нигоҳини ёш авлодга қадаётгандек. Ёдгорлик пойидан эса миннатдор ёш авлод қўйган алвон гуллар аримайди.

Д. ТАНГИБОЕВА,
Тошкент Давлат маданият институти студенти.

Роҳатой Мусаева касб танлаш устида кўп ўйланиб ўтирмади. «Промсвязь» тажриба заводи унинг иш жойига айланди. Корхонада иш бошлаганига икки йил вақт ўтганига қарамай у коллективнинг ҳурмат эътиборига сазовор бўляпти. Роҳатой аъзо бўлган Эмилья Садовникова бошлиқ бригада заводда муваффақиятли натижаларга эришаётган коллективлардан. Ёш ишчи зиммасига юкланган вазифаларни масъулият билан бажариб, ишлаб чиқариш план-топшириқларини муваффақиятли адо этяпти.

СУРАТДА: Р. Мусаева.

Т. Каримов фотоси.

СССР Давлат мукофотига номзодлар

Меҳнат келтирган бахт

Эрта тонг. Иш куни бошланишига ҳали ярим соатдан зиёд вақт бўлишига қарамай «Ташоблстрой» трестига қарашли пардозлаш ишлари бошқармаси бўёқчилар бригадаси бошлиғи Ильдус Сафин объектга кириб келди. Биз уни суҳбатга жалб этдик:

— Хоналарни бўёқдан чиқариш учун уларни тайёрлашни нимадан, қандай бошлаш лозимлигини олдиндан ўйлаш керак,— дейди Ильдус Абдуллаевич. — Асбобларни ҳозирлаш, бир сўз билан айтганда, иш кунига пухта тайёрланиш керак.

Ушбу жавобда ана шу кишининг бутун характери мужассам. Ильдус Абдуллаевич коллективи бир йўла бир неча операцияни — оқлаш, албастрлаш ва сувоқ ишларини бажаради.

И. Сафин бошқармага 1973 йилда бўёқчи бўлиб ишга келган эди. Қисқа вақт ичида ўз касбининг устаси бўлди. 1975 йилда эса коллектив ишонч билдириб уни бригадирликка тавсия этди. Шу-шу унинг бригадаси ишлаб чиқариш нормасини ҳар доим ошириб бажариб келмоқда.

Бошқармага келган ёш бўёқчи кўпинча ишни даставвал шу бригададан бошлайди. Чунки И. Сафин ўзининг кўп йиллик тажрибасини ёшларга сидқидилдан ўргатади.

Дарҳақиқат, Ильдус Абдуллаевич бошчилик қилаётган коллектив номини нафақат бошқармада, балки трестда ҳам алоҳида ҳурмат билан тилга олишади.

Шаҳримизда Ильдус Сафин меҳнат қилмаган саноат корхонаси бўлмаса керак. У «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси корпусларини, ошхона мебеллари, чинни, «Алгоритм» заводлари, бошқа бир қанча корхоналарни бунёд этишда актив иштирок этди.

Меҳнатлари изсиз қолмади. У 1983 йилдан бери социалистик мусобақа ғолибидир. Бир қанча фахрий ёрлиқлар, дипломлар соҳиби бўлди. 1988 йилда эса «Олтин қўлли уста» дипломи, «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали, 1981 йилда эса «Коммунистик меҳнат зарбдори», 1983 йилда, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг 2-даражали дипломи билан тақдирланди. Ильдус ака «Меҳнат ветерани», 12-беш йиллик зарбдоридир.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, у яхши етакчи рационализатордир. У ўз бригадасидаги кўпчилик ишларни механизациялаштирган.

— Ильдус Сафин жамоат ишларида актив қатнашади, — дейди бошқарма касаба союзи комитети раиси У. У. Бадурова — Бунёдкорнинг меҳнатда эришган катта ютуқларини ҳисобга олиб унинг номзодини 1989 йилги СССР Давлат мукофотига тавсия этдик.

Д. ОБЛАЕВ.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси Резолюцияларида касаба союз ташкилотларининг фаолиятини қайта қуриш ва мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Уларнинг ролини янада ошириш кераклиги ошкора айтилди. Хўш, бу муҳим вазифани Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси коллективи қандай амалга оширмоқда. Бу ҳақда жамоатчи мухбиримизга бошқарма касаба союз комитетининг раиси Баҳодир Абдуллаев қуйидагиларни гапириб берди:

Касаба союз ҳаёти

Инсон омилига эътибор

— Гапни узоқроқдан бошласак. Коллективимиз меҳнат аҳли ўн иккинчи беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида 302 миллион ўрнига 310,4 миллион аҳоли манзилини яқин қилишга эришди. 3834 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилиб, ҳар бир транспортнинг кундалик иши 11,5 соатни ташкил этди. Бунинг ҳисобига трамвайларнинг эксплуатация тезлиги соатига 15,6, троллейбусларда эса 16,6 километрга кўтарилди. Тошкент Совети 50 йиллиги номли вагон-ремонт заводи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 110,8 процент адо этишга эришди.

Ошкоралик ривожланиб бораётган ҳозирги кунда 350 та трамвай, 305 та троллейбус икки миллионга яқин аҳоли манзилини яқин қилиб келяпти. Ҳаракат мунтазамлиги трамвайларда 93,5, троллейбусларда 96,8 процентга кўтарилди. Бу албатта иш билан сўз бирлиги амалда мустаҳкамланаётганини ифода этиб турибди. Шу ўринда бошқарма касаба союз комитети электротранспортчиларга намунали маданий хизмат кўрсатишда, иш сифатини оширишда, меҳнат интизомини мустаҳкамлашда қандай тадбирларни амалга ошираяпти деган савол туғилиши табиий.

Ростини айтганда қайта қуриш ва ошкоралик туфайли чинакамига ишлашнинг янги қирралари намоён бўлди. Меҳнат интизоми бузилишининг олдини олишга муҳим эътиборни қаратдик. Шу асосда амалга оширилган режаларимиз ўз самарасини берди. Аммо ҳали барча асосий масалалар олдинда. Кўзлаган барча мақсадларимизга тўла эришганимизча йўқ. Ўтган йили 1145 та прогулчи маъмурий йўл билан жазоланди, 5712 ишчи соати йўқолди.

КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинганига тўрт йил бўлди. Ўтган давр мобайнида кўпгина коллективларда соғлом муҳит юзага келди. Меҳнат интизоми яхшиланди. Ичкилик оқибатида ишга чиқмаслик ҳоллари ва транспортларни ширакайф бошқариш камайди. Лекин электр транспорти корхоналарининг ҳаммаси ҳам ичкиликбозликнинг илдизини қуритишга етарли эътибор бераяпти деб бўлмайди. 1988 йилда 60 киши (1987 йилга нисбатан 12 тага камайган) ҳушёрхона меҳмони бўлди. Трамвай ҳайдовчилик касбига доғ туширган В. Гретнев, Р. Файзутдинов, А. Иброҳимовлар ҳушёрхонада икки мартадан тунадилар ва 30—50 сўмдан жарима тўлаб изза бўлдилар. Б. Абдукаримов, Р. Гильмутдинов, З. Нуриддинов, Козобалар маъмурий жазоландилар.

—Масъулиятли вазифасини уддалаётган ишлаб чиқариш илғорлари меҳнат беллашувини қандай амалга оширмоқдалар!

— СССРнинг иқтисодий ва социал ривожланиши тўғрисида СССР статистика Давлат комитетининг ахборотида **«Шаҳар транспортида пассажирлар ташиш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3 процентга ўсди»,** деб хабар қилинади. Лекин, ишлаётган трамвай йўлларининг ўндан бир қисми авария ҳолатидаги, шпалларнинг 20, троллейбус контактли шохобчаларининг 14 проценти эскириб кетганлиги ҳар бир транспортчини ташвишлантиради. Бу камчиликларга барҳам бериш вақти келди. Шу мақсадда 1, 5, 10-троллейбус ва 2, 7, 13-трамвай маршрутининг илғорлари иш тажрибасини бошқа маршрутларда ҳам ёймоқдалар. Аварияси ҳ юрувчилар мастерлари Е. Калимулина, Н. Абдуллахаева, Г. Турсунова, И. Богданова, Х. Рўзиев, Ф. Жўраевлар ёш ҳайдовчилар малакасини оширишда фидокор бўлмоқдалар. Масъулиятли ва муқаддас бурчларини пешона терлари билан оқлаётган К. Зуев, С. Гриднеев, Ш. Умаров бошлиқ ремонтчилар вагон ва троллейбусларни мустаҳкам ремонт қилишда юксак сифат ва самарадорликка эришмоқдалар.

Коммунистлар А. Лавров, Р. Ҳабибуллаев, Р. Рафаилов, Э. Ниёзалиев, Куприянлар ҳаракат мунтазамлигини 98—100 процентгача чиқардилар. Уларнинг бу ташаббуси йўловчиларнинг транспорт кутиш учун кетадиган кўплаб вақтларига барҳам берди. Ишчан ҳайдовчиларнинг меҳнат календарида 1989 йилнинг июль ойи зарвараги очилди.

— Электр транспорти самарадорлигини ўстиришда илмий-техника жараёнидан ва янги иш услубларидан фойдаланишда корхона касаба союз комитети роли қандай бўляпти!

— Коллективимиз 467 та Бутуниттифоқ илмий-техника жамияти аъзосига эга. 1988 йилда 80 га яқин техникани ҳаётга тадбиқ этиб 200 минг сўм, 240 та рационализаторлик таклифидан 130 минг сўм фойда олдик. А. Ривкин, А. Замарий, Н. Кузнецов, В. Кромер, Роман Ли каби ижодкорлар киритган янгилик ремонт сифат ва самарадорлигини кўтаришда асосий таянч бўлди. 1989 йилда кашфиётчилар 266 та рационализаторлик таклифидан 129 минг даромад олиш учун техника илмидан самарали фойдаланадилар. Бунинг устига 920 минг киловатт-соат электр энергияси тежалди. 1989 йилда нурсоўларимиз 1.350 минг киловатт-соат электр энергиясини тежаш мақсадида ички резервлардан унумли фойдаланмоқдалар.

Янги иш услубига ўтиб ишлашни биринчи бўлиб 1-троллейбус депосининг коллективи бошлаб берди. Эришилаётган муваффақиятлар, мавжуд камчиликлар, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ўз ифодасини топди. Техника ремонти бўйича ҳам кўрсаткичлар юқори даражага кўтарилди. Машиналарнинг рейсдан қайтиши кескин камайиб, трамвайлар бўйича 23, троллейбуслар бўйича 22 миллион километр йўл босилди. Энг кувончлиси, коллектив орасида интизом мустаҳкамланди. Эҳтиёт қисмларнинг тежалиши эса тайёрлов цехига катта ёрдам берди.

Айтайлик, ойлик иш ҳақи тариф бўйича 161 сўм 68 тийин. Иш вақтидан фойдаланиш коэффициенти 1,0 процент бўлганлиги учун ойлик маошига қўшимча 79 сўм 06 тийин мукофот қўшилди. Демак, ҳайдовчининг ойлик маоши 240 сўм 74 тийинни ташкил қиладди. Бу тартиб барча ҳайдовчилар учун қўлланилмоқда. Йўловчилар оқими кўпайган вақтда маршрутга чиқмай қолган трамвай ва троллейбус бригадани мукофотдан маҳрум этади.

Ҳозирда электр транспорти корхоналарининг ҳаммаси юқоридаги янгича ишлаш услубига ўтишга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Шу мақсадда иқтисодий билимни пухталаш муҳим муаммолардан биридир.

— Яхши дам—инсонда юкорий куч уйғотади, деган нақл бор. Транспортнинг аниқ маромда ишлаши ҳайдовчи ва ремонтчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришига, дам олиш уйлари ва санаторийларда соғлиқларини тиклашга ҳам боғлиқ. Шундай эмасми!

— 400 та ишчи ва ходимларимиз шаҳар ташқарисида қисқа муддатли дам олдилар. Хорижий мамлакатлар ва Совет Иттифоқи бўйлаб ўюштирилаётган саёҳатларга талаб катта. Яқинда 37 кищи Самарқанд — Бухоро тарихий ёдгорликларини кўришдан баҳраманд бўлди. Бир группа электр транспортчилар Болтиқ бўйи мамлакатлари бўйлаб саёҳатдан қайтдилар.

Дам олиш зоналари ва санаторийга ажратилган путёвкаларни тақсимлаш оқиллик билан ўтказилди. Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранларининг хизматларини алоҳида эътиборга оламиз. Ҳар йили 800—1000 та кичкинтойларимиз ёзги таътилларини пионер лагерида ўтказмоқдалар.

— Шаҳар электр транспорти хизматини яхшилаш борасида қандай ўзгаришлар рўй беради!

— 1989 — 1990 йиллар трамвай ва троллейбус хўжалиги учун энг юксалиш йиллари давридир. Йўл, энергия хўжалиги хизмати учун янги ишлаб чиқариш базаси бунёд этилади. Тошкент Совети 50 йиллиги номли вагон-ремонти заводи қайта реконструкция қилингач, ҳар йили 300 та транспортни ремонт қилиш имкониятига эга бўламиз.

Ҳаракатдаги составларнинг иши яхшиланади, тезлиги ортиб, пассажирларнинг транспортни кутиш учун кетадиган вақтлари тежалади. Шу мақсадда янги 26 та трамвай, 34 та троллейбус ҳаракат составларини тўлдиради. Ички имкониятлардан фойдаланиш натижасида Самарқанд автостанциясида, М. Горький проспектида янги подстанция бунёд этилади. Чимбой, Тимирязев, Каймаков, Энгельс номли подстанцияларда монтаж ишлари бошланади. 7,5 километр трамвай, 27,1 километр троллейбус линияси ишга тушади.

Қўйлиқ — 5 массивига Чиковани кўчаси бўйлаб трамвай линияси 4 километрга узайтирилади. Фарҳод кўчасидан Бобир — Улуғбек — генерал Узоқов — Беруний кўчасига 14 километрли троллейбус ҳаракати йўлга қўйилади. «Зенит» заводи ишчиларининг троллейбус эҳтиёжига бўлган талаби ҳам қондирилади. Аҳмад Дониш — Каймаков оралиғида троллейбус симларини монтаж қилиш планлаштирилмоқда.

Москва «Гипрокоммундортранс» институтининг лойиҳаси асосида пойтахтимизнинг Юнусобод массивида 150 ўринли троллейбус депоси фойдаланишга топширилиши натижасида йўловчилар оқими ортади. Бу янги корхонага Тошкент область Тошкент районни Охунбобоев номли колхози территориясидан 7,5 гектар ер ажратилди.

Электр транспорти объектларини қуриш мақсадида 1989 йил учун 6.346 минг сўм ажратилди. Ўн иккинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида трамвайлар бўйича 167,5, троллейбуслар бўйича 142 миллион аҳоли манзили яқин бўлади.

Суҳбатни Ф. АБДУРАҲИМОВ олиб борди.

Излаган имконият топади

Владимир Ибодуллаев бригадаси Тошкент тўқимачилик комбинати оҳорлаш-мерсеризациялаш корпусида етакчи коллективлардан бири — ҳисобланади. Бригаданинг ташкил этилганига бор-йўғи етти ойдан ошди. Қисқа вақт ичида бу ерда сезиларли ўзгаришлар бўлди. Плантопшириқлар муддатидан олдин бажариладиган бўлди...

Бундан етти ой муқаддам цех бошлиғи ёш ишчи Володя Ибодуллаевни ҳузурига чорлаб қолди:

— Владимир Отабоевич, битта бригада тузмоқчимиз. Хабарингиз бор, цехимиздаги оқартириш участкаси жуда оғир вазиятда. Ишлаб чиқариш планларини бажардик деган сўзни унутдик ҳисоб. Одамлар бўлса у ерда ишлашдан бош тортишяпти. Сабаби — план йўқ. План бажарилмагач, ўз-ўзидан маълумки маош ҳам бўлмайди.

— Эплай олармикинман?..

— Эплайсиз, — деди цех бошлиғи. — Янги ишнинг ўз кийинчиликлари бўлиши табиий. Ёрдам берамиз.

Володя кабинетдан чиққач, масъулиятли ишга рози бўлганини англади. — Нимадан чўчийман. Мен тенгилар йирик коллективларни бошқаряпти. Қийналсам —ёрдам беришади, — деди у ўзигаўзи.

17 кишидан иборат аҳил коллектив таркиб топди. Кейинчалик эса улар сафига ёшлар келиб қўшилишди.

Дастлаб бригада уч сменага бўлинган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди. Агар ҳар бир студентни машғулоти учун ишдан озод қилинса, бригада қанчалик зарар кўришини тасаввур қилиш қийин эмас. Бундай тадбиркорлик цех, қолаверса фабрика учун ажойиб бир аҳли аллақачон жавоб топишган. Масалан, А. Усмонов сменасидаги талабалар кундузги машғулотларга кетишса, улар ўрнини А. Носов сменаси эгаллайди. Ҳеч ким норози ҳам бўлмайди, ҳамма масалалар бригада ўртасида қатъий ҳал бўлган.

Сменаларга комсомол-ёшлардан А. Усмонов, С. Мавлонов ва А. Носовлар етакчилик қилишни ўз зиммаларига олдилар. Бригада ёшларининг кўпчилиги олий ўқув юртларининг талабалари. Уларнинг машғулотлари бир ҳафта кундузи, бир ҳафта кечқурун бўлади. Хўш, бундай ҳолларда ишни қандай ташкил қилиш лозим? Бу саволга бригада етакчиси ҳам, ишчиларнинг ҳаммаси ҳам ички имкониятларини ишга солишга ҳаракат қилишмоқда. Ишчиларимизнинг ишга ҳозирлиги, ишга ҳаваслари, ишлаб чиқаришдаги ютуқлари, ишлаб чиқаришдаги ютуқлари, ишлаб чиқаришдаги ютуқлари ва ишлаб чиқаришдаги ютуқлари ва ишлаб чиқаришдаги ютуқлари ва

Жонажон Ватан бўйлаб

МОСКВА. «Ликостоянне» пуфлаб чалинадиган музика камер хори ўз концерт фаолиятини Русда христиан дини қабул қилинганлигининг 1000 йиллиги тантаналари вақтида бошлаган эди. «Ликостоянне» — ҳаваскор ва профессионал хонандаларнинг ҳаваскор ижодий уюшмасидир.

Дирижёр Тамара Васильевна Семёнова ва Останкино телемнораси концерт залининг директори Тамара Сергеевна Павлова турли ёшдаги ва турли йўналишдаги созандаларни бирлаштиришган. Хор П. Чайковский, М. Мусоргский, С. Рахманинов асарларини, шунингдек, яқин вақтларгача музикаси ижро этилмаган Д. Бортнянский, А. Кастальский, А. Гречанинов, П. Чесноков, А. Никольский, Г. Извеков ва бошқаларнинг асарларини ижро этади.

Дирижёр Т. В. Семёнова хор ижодида XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида яшаб ижод қилган Москва мактаби композиторларининг музикаси ижро этилишига асосий, урғу бераяпти. У хор ижросини ана шу асрларнинг ўртасидаги аввалига В. С. Орлов, кейинроқ Н. М. Данилин раҳбарлик қилган машҳур Москва синоди хорининг классик ижроси усулига яқинлаштиришга ҳаракат қилмоқда.

СУРАТДА: «Ликостоянне» хорининг чиқиши.

* * *

Москва ҳар йили мамлакатимизнинг турли бурчакларидан ва чет эллардан ўн мингдаб меҳмонларни чорлайди. Уларнинг ҳаммаси пойтахтнинг марказида Қизил майдонда бўладилар.

СУРАТДА: Қизил майдонда.

ТАСС фотохроникаси.

Ҳамшаҳарларимизни ўйлантираётган муаммолар

Турмушимиздаги дилхираликлар

Турмушдаги ноқулайликларни майда-чуйда нарса дейишга ўрганиб қолганмиз. Ҳаёт учун энг муҳими юксак эзгу ниятлар, олий даражали жамият қуриш, деб бизга ўргатиб келдилар ва ўз навбатида, биз ҳам изимиздан келаётганларни шундай тарбиялаяпмиз. Бироқ, бундай мақсадларга «майда-чуйда»ларсиз эришиб бўлмаслигини энди-энди тушуняпмиз. Тушуняпмизу, ўша «майда-чуйда» ноқулайликларни йўқотиш учун ҳеч қандай амалий иш қилмаяпмиз. Ваҳоланки, бунинг учун катта маблағ ҳам, Суқротникидек ақл-заковат ҳам талаб қилинмайди. Озгина истак, озгина фидойилик бўлса, шунинг ўзи кифоя.

Ўриндиқлар

Айтайлик, бир юмуш билан Тошкентдек шаҳри азимнинг қаеригадир бордингизу излаган одамингизни кутишга тўғри келдими ё ўзингиз, шунчаки, салқин жойда ўтириб, оёқларингизга дам бергингиз келдими, ҳар қалай ўриндиқ қидира бошладингиз. Қани энди, ў топила қолса!

Кўчаларнинг пиёдалар юрадиган йўлакчасида ўриндиқлар камдан-кам бўлади. Хиёбонларда бордур, деб умид қиласиз, бир омадингиз келиб қолмаса, яна саробга дуч келасиз. Хуллас, кўчада ҳордиқ чиқаришни хаёлингиздан чиқариб ташланг. Битта сиз эмас, кўчаларда дам ололмай армонда қолган! Ана, катта хиёбонларда, боғларда ҳам кун қизиган пайтда ўриндиқлар талаш бўлади. Табиийки, кимлардир ҳордиқ чиқаришга муяссар бўлса, кимлардир оёғини судраб нари кетади. Шу кунларда Инқилоб хиёбонида атиги 21 дона, Дзержинский ҳайкали атрофидаги хиёбонда эса еттитагина ўриндиқ бор (бунга, «Зарафшон» ресторани қурган шийпонлар кирмайди). В. И. Ленин номли майдондан Ўзбекистон проспектига чиқаверишда, шундоққина йўлнинг нариги бетида болалар хиёбони бор. Аммо, кичкинтойларни бу ерга етаклаб келмаганингиз маъқул, чунки биронтаям ўриндиқ йўқ. Навоий кўчасининг салқин йўлагидан Ҳамза театрига пиёда боргингиз келса, марҳамат, боринг. Аммо, билиб қўйинг, пиёда юришни чидаганга чиқарган!

Беихтиёр, «Нега шунақа-а? Нима, бизнинг мамлакатда ўриндиқлар етишмайдими?» — деб юборасан киши.

Ўриндиқлар учун ажратилган маблағларни бошқа, қиналанг келган мақсадларда ишлатиш оппа-осон, чунки шу пайтгача биров «Шунгаям ота гўри қозихонами?» деб ўриндиқ талаб қилган эмас. Ўриндиқлар қанча кам бўлса, хиёбонлар, йўлкалар шунча кам ифлосланади, демак фаррошларга осон, ижроқўмга мадад.

Одатда, одамлар гавжум жой байрам кайфиятини уйғотади. Қани энди, шаҳримизнинг хиёбонларида ҳам, кўчаларида ҳам қатор-қатор ўриндиқлар бўлсаю, қачон қараманг, дам олувчилар билан гавжум бўлса!

Ўриндиқ деган нарсани ҳам муаммо қилиб кўтариб юрсак, уят эмасми? Биз эса, неча йиллардан буён кузатиб юра-юра, ахири гапиришдан бошқа иложимиз қолмади.

Почта қутиси

Қариндош-уруғингизни, ёр-биродарларингизни байрам билан табриклаб, хат йўлламоқчи бўлсангиз, аввал почта қутиси қаерга жойлашганини аниқ билиб олинг ва қачон, қай тарзда ўша қутининг ёнидан ўтишингизни ёдон режалаштириб олинг. Йўлимда учраган қутига ташлаб ўтаман, десангиз овора бўласиз! Ёзган хатингиз киссангизда ё жилдингизда ҳафталаб ётаверади, табрик сўзларингиз эгасига ўз вақтида етиб бормайди.

Почта қутиси одамлар энг серқатнов жойларга ўрнатилиши керак. Пойтахтимизда эса, нуқул пана-пастқамга ўрнатилган, уларни топиб олиш учун бургутникидек ўткир нигоҳли бўлиш керак.

«Наҳотки, қутиларни кўпайтириш, қулай ерларга ўрнатиш қийин бўлса?» деб жиғибийрон бўлиши мумкин, юзаки ўйлаган одам. Билмайдики, бу масаланинг замирида ҳам муайян манфаатлар ётади.

Почта қутилар қанчалик кам бўлса, шунча кам автомашина ва йиғувчи ходим талаб қилинади. Қутилар хилват жойларга ўрнатилгани маъқул, шунда машина билан бемалол кириб-чиқиш мумкин. Жон қойитиб нима кераги бор? Одамлар хат ёзишмасдан туролмайди, барибир. Зарур бўлгандан кейин, почта қутисини чакалакзорга яшириб қўйсанг ҳам топиб олишади, шоввозлар! Қайси соатларда яшиклардаги хатлар йиғиштириб олинишини ёзиб қўйсанг, бас, одамлар шунгаям ишонавершади. Ўзларини қайси бир жаннатда юрган фараз қилишадими?

Навбатлар

О, навбат! Бу ҳақда не-не гаплар айтилмади! Не-не қарорлар қабул қилинмади?

Навбатларнинг асл моҳияти етишмовчиликдан, деб келдик. Унда нима учун ҳар доим бўш ўринлар билан жўнайдиган поезд ва самолётларга билет олиш доимо муш-кул? Қачон қарама, кассалар олдида ташвишли кўзларни, асабийлашувдан оқариб кетган нигоҳларни кўрамиз.

Биз навбатларда туришни, ҳатто мақтаниб гапирамиз. Мамлакат миқёсидаги катта-катта анжуманлардан кейин, одатда, газета дўкончалар олдида узундан-узун навбат ҳосил бўлади, матбуотда ана шу навбатнинг сурати босиладики, бундан «Кўрдингизларми, бизнинг халқ нақадар ўқимишли!» деган маъно кўринириб туради.

Чет эллардан олиб босиладиган суратларга қараганда, уларда газета-журналлар ҳамма ёғи очиқ айвонларда сотилар экан. Сотувчи билан харидор биттама-битта гаплашиб, вақт кетказиб ўтирмайди, харидор пулни қутига ташлаб, керак нарсасини олиб кетаверади. Биз эса, қайтимсиз харид қилиш учун ҳам қанча вақтимизни йўқотамиз.

Бир ойда икки марта кичкинагина туйнукка бош суқиб, маош олиш учун овора бўлишларимиз-чи? Давлатнинг иши тўхтаб қолиши-чи? Мамлакатда қанча одам мана шунақа мунтазам навбатларда туради?

Поезд, самолётларни кўя турайлик, шифохоналардаги, маош олишдаги навбат кутишларни қўя турайлик, боринг, ана, газета дўкончалари билан ҳам ишимиз бўлмасин. Автомашина, квартира каби қимматбаҳо нарсаларни умуман тилга олишга ботинолмай турибмиз. Давлатга пул тўлаш учун ҳам навбатларда турибмизку, ахир?! Бунисига нима дейсиз? Ҳар қандай навбатни тушунтириш ва тушуниш мумкиндир, аммо бунисини ҳеч қандай важ-карсон билан оқлаб бўлмайди!

Биз яшаб турган дунёнинг олтидан бир қисмида ҳар ойда давлатга пул тўлаб турмайдиган биронта оила бормикин? Пул ўтказишнинг ноқулайликлари туфайли қанчадан-қанча пул ўз вақтида давлат хазинасига тушмайди? Қанчадан-қанча одам хизмат вақтидан фойдаланади? Нима, давлатга пул керак эмасми? Маҳсулот чиқиши сустлашиб кетаверсинми? Ёки вақт деган тушунчанинг аҳамияти йўқми? Пул айланиши сусайиб кетиши қандай ёмон оқибатларга олиб келиши ҳаммага аён-ку!

Чиқинди, олов ва оқ халат

Шаҳар ҳавосини бузмаслик мақсадида ахлат ёқиш ман этилгани ҳаммага маълум. Шунга қарамай, чиқиндиларни ёқиш давом этмоқда. Уларнинг рўпарасида, ёнгинасида ахлат уюм-уюм бўлиб ётишини айтадиган бўлсак, ҳасратимиздан чанг эмас, тутун чиқиб кетади. Яхшиси, гапни ахлат ёқиш билан чеклаб қўя қолайлик.

Қош қорайган кунларнинг бирида, Юнусободнинг энг марказий чорраҳасида, дарахт остида, ҳўл мевалардан бўшаган яшиклар ёйилиб ётарди. Бир киши зўр бериб уларга ўт қўймоқчи бўлардию, аммо тутантириқнинг кучи етмай, ўчиб қолаверарди. Шунда биз у кишига: «Нега ёқаяпсиз? Бут-бутун яшиклар-ку булар!» деганимизда, аввал ҳайрон бўлди, сўнг жиғибийрон оҳангда: «Ҳозир хўжайин шу ердан ўтиб, мана шуларни кўриб қолгудек бўлса, мени...» деди. «Ундай бўлса, майли, билганингизни қилинг», дедик. Яхшиямки, шамол ўтни ўчириб қўяверди, шу атрофнинг тозалигига жавобгар бўлган бояги одам сўкина-сўкина қаёққадир кетди. Яшиклар ёнгудек бўлса, унинг алангаси ям-яшил дарахтларнан бир-иккитасини қуритиши турган гап эди. «Бу одамнинг хўжайини ҳойнаҳой ижроқўмнинг ободонлаштириш бўлимида ишласа керак», деб тахмин қилдик.

Бунга ўхшаган воқеаларни кўп марталаб кўрамиз, фаррошлар доимо «хўжайин буюрган» дея, ахлатларни, шох-шаббаларни бемалол ёқаверишади.

Юнусободнинг 4-кварталида ахлат ёнишидан тераклар қуриянти, ёзнинг иссиқ кунларида ҳатто деразани очиб ётиш мумкин эмас. Энг ажабланарли жойи шундаки, ахлатхона ортида, қуриган терак остида кварталдаги уйларнинг жойлашуви кўрсатилган тахтача ўрнатилган. Тез медицина ёрдами машиналари кўпинча шу ахлатхонага тумшуғини тиркаб тўхтайди, оқ халатли кишилар — ахлатни босиб ўтиб, тахтачадан керакли уйни билиб олишади-да, кейин бемор кўргани боришади. Врач шунга мажбур, акс ҳолда беморнинг уйини тополмайди.

Шу ўринда яна бир масалани ўртага ташлаш жоиз. Бир кеча-кундузда Тошкент шаҳрида озмунча шох-шабба ва чиқинди ёғоч ёқиладими! Шуларнинг барини йиғиб, қоғоз саноатига топшириш мумкин эмасмикин? Умуман, шаҳардаги чиқиндиларни қайта сараланса ва ишлов берилса, табиат сақланишидан ташқари, ижроқўмнинг экономикасига жиддий ҳисса бўлиши мумкин.

Ўт қаерда кўп?

«Албатта, далада!» деб ўйлашимиз мумкин, биз шаҳарликлар. Деҳқон билан гаплашсангиз, аксарияти далада бекор ўсиб ётган бир тутам ўт йўқ, дейди. Ҳақиқатда ҳам далаларда яйловлар камайиб, ҳар қарич ердаги кўкат ҳисоблоғлик бўлиб қолган.

Шаҳарда-чи? Бу ерда боғ, хиёбон кўп, дарахт кўп. Ҳамма ёққа майса уруғи сепилади (беда сепиш зиён шекилли?), ўсиб кетганида махсус машиналар ёрдамида тарошланади-да, қирқилган майсани эса... ахлатга ташланади... Далаларда ўт кам...

Телефон

Бу сийқаси чиққан мавзуда қанақа янги гап айтиш мумкин? Дунёда «телефакс» деган, биз ҳали тушимизда ҳам кўрмаган ғаройиботлар одамларнинг мушкулини осон қилаётган бир пайтда оддий телефон ҳақида нима ҳам дердик?

Тошкентнинг телефон жиҳозлари билан Москваники бир хил бўлса керак, ҳар ҳолда. Ундай бўлса, нега Москванинг истаган еридан туриб қўнғироқ қилсангиз, керак жой билан адашмасдан уланасизу, Тошкентнинг, айтайлик, аэропортидан туриб Инқилоб хиёбонига қўнғироқ қилсангиз, уланолмай хуноб бўласиз?

Кўчаларда қаторлаштириб ташланган телефон уйчаларига кириб сананг-чи, ўнтасидан нечтаси ишларкин? Безориларнинг иши, дейсизми? Ундай бўлса, ишхонангиздаги телефондан қўнғироқ қилаётганингизда бемалол уланасизми? Диққат қилиб кўринг, бир кунда анча-мунча вақтингиз телефон рақамларини теришга кетиб қолаётганига ишонч ҳосил қиласиз. Айб фақат кўчалардаги безорилардамикин?

Нега шунақа-а? Москвадаги телефон яхши ишлайдию, Тошкентдагилар эса ёмон? Бунақа тафовут фақат телефонга хос эмас.

Ҳаётимиздаги ғашга тегадиган баъзи «майда-чуйда»лар ҳақида сўзладик. Ҳар кимнинг кўнглида шу ва шунга ўхшаган дилхираликлар бор. Балки, бу гаплар кимларгадир ҳақиқатан ҳам майда-чуйда бўлиб кўринар. Ундай бўлса, бисотимизда мана бундай далилларимиз бор: ахир, ҳаётимиз майда-чуйдаларнинг йиғиндисидан иборат эмасми? Ҳар бир майда нарса асабимизни эговласа, вақтимизни ўғирласа, қанча умримиз эговланадию қанча вақтимиз бекор кетади! Бу аҳволда меҳнат унуми нима бўлади?

Қудрат ДУСТМУҲАМЕДОВ,
техника фанлари кандидати.

Ўқинг, бу қизиқ

Қадимий қоғоз пуллар

ЖАҲОНДА дастлаб қоғоз пуллар VIII аср охири ва IX аср бошларида Хитойда расм бўлган. Бу пуллар юпқа қоғоз шаклида бўлиб, шамол турганда қўлда тебраниб, силкиниб, учиб-ўйнагани туфайли унга «учар пуллар» деб ном берилган. Лекин, аслида улар ҳали ҳақиқий пул эмас, балки тилхат ёки векселлар эдилар.

Қоғоз кашф қилинганидан кейин ундан пул сифатида фойдаланилганига қадар 5—6 аср ўтган. Дастлабки қоғоз Хитойда II асрда Цой Дун ўсимлиги толаларидан олиниб, унинг тайёрлаш технологияси сир сақланган. Қоғоздан пул муомаласи учун фойдаланиш VIII аср охирларидан бошланган. Бу ташаббусни дастлаб савдогарлар бошлаб берганлар. Вилоятларга чой ёки туз харид қилиш учун бораётган савдогар, ўзининг металл пулларини пойтахтда қолдириб, топширган пули ҳақида тилхат олган ва тайинланган жойга келиб, бу тилхатни кўрсатиб топширган пулига тенг миқдорда пул олган. Бу ҳисобкитоб ҳозирги чек ёки аккредитивнинг дастлабки шакларидан бири эди. Пул жўнатишнинг бу шакли афзаллигидан фойдаланиб, 812 йилдан бошлаб ундан давлат молия органлари вилоятларда тўпланган солиқ ва бошқа тушган маблағларни пойтахтга жўнатишда кенг фойдалана бошлаганлар. Шу билан бирга, давлат «алмаштирилувчи векселлар» ҳам чиқара бошлаган. (Вексель — қарзга олинган пулни тўлаш муддати ва миқдори кўрсатилган ҳужжат). Бу векселларни пойтахтда харид қилиш ва унга мамлакатнинг бошқа районларида маҳсулотлар сотиб олиш мумкин эди.

Лекин номинал қиймати бойлик билан таъминланган ва турли молиявий операцияларда фойдаланиладиган, ҳақиқий моддий асосга таянадиган қоғоз пуллар X асрнинг бошида Сичуан (жанубий) вилоятида вужудга келди. Бу пулларнинг кашф қилинишига корхона эгалари, соҳибкорларнинг ташаббуси сабаб бўлди. Дастлаб ҳукумат 16 хусусий банкага алмаштирувчи банкнот чиқаришга рухсат берди. Лекин 1023 йилда ҳукумат бу фаолиятни ўз монополияси деб эълон қилиб, ҳар хил қийматда банкнот (кредит пули) чиқарадиган муассаса ташкил қилди. Бу банкнотлар тегишли эквивалентда моддий бойликлар (қийматликлар) билан таъминланар эди. Бу банк билетларида, улар муомалага чиқарилгандан кейин 3 йилгача аҳамиятини йўқотмаслиги айтилиб, чиқарилган муддати кўрсатилар эди. 1107 йилга келиб банкнотлар бир қанча клиша ёрдами билан 6 хил рангда чоп этила бошлади.

Анча вақт ўтгандан кейин давлат томонидан муомалага пул чиқариш тобора кенгая борди. 1126 йилга келиб, расмий равишда 70 миллион серия пул чиқарилди, бунда ҳар бир серия минглаб пул бирлигига тенг эди. Бу жуда кўп миқдордаги чиқарилган банкнот ҳеч қандай моддий бойликлар, қийматликлар билан таъминланмагани учун ўша даврда жуда катта ҳажмда пулнинг қадрсизланиши содир бўлди.

Қоғоз пулларнинг муомалага киритилиши янги муаммо — қалбаки пул ясаш муаммосини келтириб чиқарди. Қалбаки пул ясашга йўл қўймаслик учун, давлат пул ясаш технологиясини тобора мураккаблаштирди, ҳатто ўша даврларда пул чоп этишнинг хилма-хил сирлари купюларнинг (қимматли қоғозлар бўлаги) кўп рангларда бўяш, расмларини мураккаблаштириш, ҳар хил толаларни қўшиб тайёрланган алоҳида қоғоздан пул ясашда фойдаланилди.

Монголлар ҳукмдорлиги даврида Хитойда «Ипак пули» номи билан машҳур бўлган ўзига хос қоғоз пуллар пайдо бўлди, бу пуллар қимматбаҳо металлар билан эмас, балки ипак калаваси билан таъминланганликлари учун «ипак пуллар» деб аталган.

Кейинчалик Мин династияси ҳукмронлигида қоғоз пуллардан фойдаланиш доираси қисқара борди. 1375 йилда «Буюк Минлар қимматбаҳо билети» номли ягона қиймат ва купюрга эга бўлган қоғоз пул чиқарилиб, у 200 йил давомида расмий тўлов ҳужжати бўлиб хизмат қилди. Бундай пуллардан фойдаланиш савдо муомалаларида ҳисоб-китобни анча мураккаблаштирди, чунки бу пуллар ноқулайликларга эга бўлиб, бу қоғоз пули майдалатиш осон эмас, мавжуд мис пуллар (чақалар) чиқаришга рухсат этилгани учун, улар майда пуллар сифатида ишлатилса ҳам, ҳаётда етишмаган кичик банкнотлар ўрнини етарли қоплмас эдилар. Лекин инфляция ягона қоғоз пули ҳам, қадрсизлантирди. «Қимматбаҳо билет» пировардида аста-секин кумуш пуллар билан алмаштирилди.

Иқтисод фанлари доктори Ҳикмат СОБИРОВ тайёрлаган.

Электр алоқаси воситалари аҳолининг ўсиб бораётган маданий эҳтиёжларини қондиришда катта роль ўйнайди.

21/24-автомат телефон станцияси Юнусобод массивидаги дастлабки станциялардан ҳисобланади. Мазкур коллективда турли миллат вакиллари аҳил меҳнат қилишади. Коллективнинг бутун фаолияти алоқа воситалари хизматини такомиллаштириш ва сифатини яхшилашга қаратилган. Улар 22-автоматтелефон станциясини ишга туширишда ҳам яқиндан ёрдам беришди. Монтёрлардан М. Бурхонов, И. Попов янги телефонларни ўрнатишда, З. Асқарова ва бошқалар станциянинг ўзида ускуналарни созлашда кўмаклашишди. Коллектив аъзоларининг аксариятини ўз касбига ихлос қўйган мутахассислар ташкил этади.

СУРАТДА: электр механик Т. Ф. Демченко ва инженер З. Ш. Асқарова станция ускуналарини кўздан кечиришяпти.

Д. Холмирзаев фотоси.

Аччиқ, аммо очиқ гап

Гап эгасини топади

ШАҲРИМИЗНИНГ энг гавжум ва ҳароратли масканларидан бири бўлган Студентлар шаҳарчасида айни кунларда авж олдириб юборилган комплекс қурилиши бу ерда катта ўзгаришлар ясамоқда. Ҳозирда барча ошхоналар тўла ремонтдан чиқарилиб, хўрандалар хизматига шай қилиб қўйилди. Магазинлар, ётоқхона буфетлари ҳам яхшигина тартибга келтирилди. Қарийб бир ойдан бери давом этиб келаётган шаҳар савдо ярмарканси студент-харидорларни мамнун этмоқда. Кундузлари ўқиш ва иш билан банд бўлган талабалар дарсдан сўнг турли спорт мусобақаларида иштирок этишмоқда, беллашувларда қатнашишаяпти.

Куни кеча якунланган Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институти комсомол комитети ва студент-ёшлар клуби раҳбарлари томонидан ташкил этилган «Баҳор —89» номли конкурсли-байрам программаси талабаларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларида ажойиб воқеа бўлди. Мавжуд 14 та факультет ётоқхоналарида институт комсомол комитети ва студент-ёшлар клуби мутасаддилари томонидан тузилган махсус адабий-бадиий программа асосида конкурсга катта тайёргарлик кўрилди. Ҳар бир ётоқхона вакиллари байрамга бағишланган стендлар, кўргазмалар, суратлар тайёрлашиб, концерт майдонини безадилар. Кечада иштирокчилар маҳоратининг қай даражада эканлиги давра томошабинларида турлича таассуротлар қолдирди.

Биз гувоҳи бўлган механика ва машинасозлик факультетининг 27 ётоқхонаси талабалари намойиш этган программалар ҳам жуда қизиқарли ўтди. Ётоқхона майдонига йиғилган мингларча томошабинлар ҳаваскор ижрочиларнинг ҳар бир чиқишларини қарсаклар билан қаршиладилар. Кеча сўнгида «Баҳор — 89» конкурсли-байрам программасининг жюри аъзолари сўзга чиқиб, факультет талабаларининг эришган ютуқлари турли миллий куй-қўшиқларни ва аскияларни маромига келтириб ижро этишларини қувониб гапиришди ва ҳаваскор талабаларни студент-ёшлар клубига таклиф этишди. Кеча қатнашчилари 1-курс талабаси Зилола Тешаеванинг «Мустаҳзот»ни, 5-курс талабаси Нуриддин Қамбаровнинг «Файзулло бобо» қўшиғини ҳамда Ш. Набиев, М. Худойбердиеваларнинг моҳирона ижроларини алоҳида олқишладилар. «Социалистик Ватаннинг 70 йили» композицияси, «Бизнинг муаммолар» мавзусидаги саҳнавий интермедиялар кўпчиликка манзур бўлди.

Кеча сўнгида механика ва машинасозлик факультети комсомол ташкилотининг секретари Абдуманноп Абдураимов билан суҳбатлашдик:

— Менимча, «Баҳор—89» байрам программаси фақат факультетлараро маҳоратлар беллашувигина эмас, балки талабаларнинг маданий дам олишларида, маданий мустақил изланишларида жуда муҳим тадбирдир, — деди у. — Бизнинг талабаларимизни конкурсда иккинчи ўринни қўлга киритиши — бу энг муҳими эмас, балки уларнинг ўзлари қандайдир маънавий қувватга эга эканликларини ҳис этишнинг ўзи катта ғалабадир.

Студентлар шаҳарчасининг бир томонида маданий кечалар ўтди. Иккинчи томонида эса жимжитлик. Сабаби ТошДУ талабаларининг барча адабий кечаларни ўзларининг маданият саройида ўтказишларидадир. Табиийки, дарсдан сўнг ҳамма ётоқхонага кетади. Бу пайтда бошланган кечада фақат концерт берган факультет талабаларининг бир қисмигина иштирок этади. Иккинчи томони, бу ерда ижро этилаётган куй-қўшиқлар фақат жюри аъзолари учун кўрсатилаётгандай. Залда йиғилганларнинг ярми газета ўқиш билан банд, жюри аъзолари эса ўзлари нималардир устида баҳслашмоқдалар. Саҳнада эса «Муножот»га раққоса хиром этади. Дорилфунун кечаларидан шу нарсани яққол кўриш мумкинки, бунда ташкилий комитет аъзолари кечаларни ўтказиш шарт бўлганлиги учун ўтиришгандай туюлди. Минглаб талабалар билан кеча ташкилотчиларининг ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқ. Бундай «хўжакўрсин» тадбирларни ўтказишдан кимга фойда? Бундан мақсад нима? Балки қўшни политехника институти каби ётоқхона майдонларида шундай кечалар ўтказилса, талабаларга фойдаси тегармиди?

Хуллас, Студентлар шаҳарчасидаги бу қадар қувончли ва бепарволи икки ҳолни кўриб жуда таажжубга тушдик. Гап эгасини топса, айни муддао бўларди.

Ҳ. САИДОВ,
М. ҲОЖИМАТОВ.
ТошДУ студентлари.

ЛИНГВА ЎҚИТАДИ,
ТАРЖИМА ҚИЛАДИ,
ТАҲРИР ҚИЛАДИ.

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

«ЛИНГВА» КООПЕРАТИВИ

ЧЕТ ТИЛЛАР (инглиз, француз, немис ва бошқа тиллар) **ВА СССР ХАЛҚЛАРИ ТИЛЛАРИНИ ЖАДАЛ МЕТОД БИЛАН ЎРГАТАДИ.**

Ўқитиш даврасининг давомийлиги — 28—30 иш кунидан иборат.

Муассасаларнинг ёзма иллтимосномалари ва буюртмалари асосида, шунингдек, шу кооперативда ўқишни хоҳлаганларнинг аризасига кўра тингловчилар қабул қилинади.

Ишлаб чиқариш зарурати туфайли тезлик билан тил ўрганиши керак бўлган мутахассислар (чет элга командировкага кетадиган, чет эл мутахассислари билан, махсус адабиётлар билан ишлайдиганлар) биринчи навбатда қабул қилинадилар.

Кооперативда ўқишни истаганлар билан суҳбат ўтказилади ва улар навбат бўйича группа тингловчилари сафига қабул қилинадилар.

Машғулотлар якшанба ва байрам кунларидан ташқари ҳар куни, соат 16.00 дан кейин бошланади.

«Лингва» кооперативи гуманитар ва техника адабиётларини, иш қоғозларининг текстини, хусусий мактубларни таржима қилади ва мақолаларни таҳрир қилади.

Кооператив тилшунос ўқитувчиларга информатика асосларини ўргатади.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Сапёрлар кўчаси, 11-уй, 34-хона, (сешанба, жума кунлари соат 10 дан 17.00 гача, чоршанба, шанба кунлари соат 14 дан 21.00 гача, телефон — 56-09-83).

«ЛИНГВА» КООПЕРАТИВИ.

«АЛЬФА» АВТОКООПЕРАТИВИ

шахсий транспорт эгаларини такси ҳайдовчиси сифатида ишлашга

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Патент баҳоси — ойига 42 сўм.

Кооператив правлениеси адреси: Тошкент шаҳри, 2/4-Қорақамиш массиви, 19«б» уй («33-поликлиника» бекати).

Телефон: 29-85-53.

Аҳолини ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касбга йўллаш маркази адреси: Тошкент шаҳри, Космонавтлар проспекти, 6-уй. Телефон: 56-07-23.

«Альфа» автокооперативи.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА МЕДИЦИНА ТЕХНИКУМИ

29 май соат 10.00 дан 14.00 гача

ТЕХНИКУМГА КИРИШНИ ХОҲЛОВЧИ АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Мурожаат учун адрес: 700107, Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Нурхон кўчаси, 16-уй (34, 20, 54, 70, 80-автобуслар; 7, 16, 19-троллейбусларнинг «1-клиник касалхона» бекати). Телефон — 77-34-30.

Тошкент шаҳар, Куйбишев районидаги Тошкент технология техникуми томонидан **Султанов Акбар** номига берилган ЛТ-1 073229 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов районидаги 106-ўрта мактаб томонидан **Ибрагимов Абдулло Мўминович** номига берилган 474139 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент меҳмонхона хўжалиги техникуми томонидан **Эсанов Назар Сафарович** номига берилган ИТ-1 152117 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ

Тошкент шаҳар Халқ таълими бошқармаси

С. И. СТРЕЛКОВ НОМИДАГИ 2-ПОЛИГРАФЧИЛАР ЎРТА-ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

янги ўқув йили учун

ўқувчилар қабул қилади

Билим юрти ўрта маълумотли фотонабор электрон қурилмаларида ишловчи оператор, корректор-ҳарф терувчи, офсет босма печатниклари, линотипчи, ҳарф терувчи, печатник ва муқовачиларни тайёрлайди.

БИЛИМ ЮРТИГА 15—18 ЁШДАГИ 8—10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН ЎҒИЛ ВА ҚИЗ БОЛАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти битирувчиларига тўлиқ ўрта маълумот ва ҳунар олганликлари ҳақида диплом берилади.

Ўқувчилар бепул кийим-бош ва 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

10-синфни битирганлар учун ўқиш муддати — 1 йил бўлиб, 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар. 9-синфни тамомлаганлар II-курсга қабул қилинадилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаганлар Москва ва Львов полиграфия институтларига, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг полиграфия бўлимига ўқишга юборилади.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Зарурий ҳолларда ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: билим юрти директори номига ариза, таржиман ҳоли, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти ҳақида гувоҳнома (асли), 6 дона фотосурат (3х4 см).

Адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Нурхон кўчаси, 21-уй (метронинг «СССР 50 йиллиги» станцияси, 13-троллейбус, 33-автобуснинг «Бўржар» бекати).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИ БАЗАСИДАГИ

17-ТОШКЕНТ ЎРТА-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ўқишга қабул қилади

Кенг профилдаги станокчи, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, ярим автомат ва автомат машиналарида иш бажарувчи электр-газ пайвандчилар (пайвандлаш ишлари назоратчиларн), **электр кўприк кранларининг кранчиси, механика-йиғув ишлари слесари, дурадгор** (қурувчи), **автослесарь** (8-синф базасида);

универсал токарь, электр-газ пайвандчи, ремонтчи-слесарь, механик-йиғув ишлари слесари (10 синф базасида).

Билим юртида группалар спорт билан шуғулланиш назарда тутилган ҳолда комплектланади.

Ўқишга киришда разрядли спортчилар алоҳида имтиёздан фойдаланадилар.

Билим юртига қабул қилинган ўқувчилар бепул овқат, спорт формаси ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун —10 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун — 3 йил.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга ишлаб топилган меҳнат ҳақининг 50 проценти тўланади.

Билим юртини муваффақиятли тамомлаган ўқувчилар (битириб чиқувчиларнинг 10 проценти) политехника институти, ҳарбий ўқув юртларида, авиация техникумида ўқишни давом эттиришлари мумкин. Ўқиш аълочилари (автоҳаваскорлар тўгарағида иштирок этганлар) билим юртини тамомлагач касб ўрганиб чиқиш билан бирга қўлларига «С» категориядаги ҳайдовчи гувоҳномасини олишлари мумкин.

Билим юрти замонавий техника ускуналари билан жиҳозланган хоналарга эга. Музика ва қўшиқ ихлосмандлари бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида машғул бўлишлари мумкин.

Билим юртида стадион-спорт зали мавжуд, спортнинг барча турлари бўйича секциялар ишлаб турибди.

Билим юртига кириб ўқишни хоҳлаганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишади: ариза, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, маълумот ҳақидаги ҳужжат, яшаш жойидан ва ота-онасининг ишхонасидан справкалар, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (4х5 ёки 5х6 см), ўқиш жойидан характеристика.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Содиқов кўчаси, 6-уй (4,5-троллейбусларнинг «Экскаватор заводи» бекати). Телефонлар: 68-68-74, 68-67-09, 68-67-08.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

42-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1989 — 1990 ўқув йили учун

ўқувчилар қабул қилади

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: сигареталар ишлаб чиқариш, машина ва агрегатларнинг оператори, токарь, электр пайвандчи, слесарь-ремонтчи.

Машғулотлар группалар комплектлашувига қараб бошланади.

Билим юртига ўрта маълумотга эга бўлган Тошкент шаҳри, шаҳарга яқин районларда яшовчи ва Совет Армияси сафида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган ёшлар қабул қилинади.

Ўқувчилар стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида уларга ишлаб топган маошининг 50 проценти берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло битирган ўқувчиларга олий ўқув юртларига киришлари учун йўлланма берилади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 4 та фотосурат (3х4 см.).

АДРЕС: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (8, 24, 51, 91, 72-автобуслар; 2, 22, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Ғалаба боғи» бекати). Телефонлар: 34-37-13, 34-57-13.

Асосий баҳслар олдинда

МАМЛАКАТ 52-чемпионатининг биринчи лигасида куч синашаётган командалар мавсумнинг деярли тўртдан бир қисми ўйинларини ўтказишди. Ким нималарга қодирлиги ҳақида хулоса чиқаришга вақт ҳали жуда эрта бўлсада, ҳар қалай «бўладиганлари» унча-мунча кўзга ташланиб қолди. Ажаб эмас, ана шу коллективлар мавсум охиригача ғолиблик учун кураш олиб боришса.

Маълумки, ўтган йили Марказий Армия спорт клуби футболчилари якуний жадвалда учинчи ўринни эгаллашган эди. Уларга борйўғи 2 очконинг етишмаганлиги олий лигага йўлланма олиш имконидан маҳрум этди. Пойтахт спортчилари бундан тегишли хулоса чиқариб олган кўринишади. Улар дастлабки матчлардаёқ мақсадлари равшан эканини намойиш этишди. Армиячилар ўз уйларида ҳам сафарда ҳам бирдек — жанговар ўйин кўрсатиб, ўн турдан сўнг 7 ғалаба, бир дуранг ва 2 мағлубият билан турнир жадвалида карвонбошилик қилишаётир. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики. МАСК — лиганинг бу йилги энг кучли коллективларидан.

Олмаотанинг «Қайрат» коллективи ҳам бир йилдаёқ кучлилар сафига қайтишни мақсад қилиб қўйган кўринади. Қозоғистонлик спортчиларнинг илк одимлари тақсинга лойиқ. Истеъдодли тренер С. Ф. Камивский шогирдлари ҳозирча москваликлар билан баравар очко жамғарган ҳолда (15 та) иккинчи ўринда боришмоқда.

«Нефтчи» ҳам нафас ростламай курашни дадил давом эттирадиган командалардан кўринади. Озарбайжонликлар ҳар бир учрашувни юқори савияда ўтказаётганликлари ва бор-йўғи бир маротаба мағлубиятга учраганликлари фикримизнинг далилидир.

Шуниси қувончлики, сўнгги пайтларда пахтакорчилар ўз мухлисларини ҳужумкор ўйинлари билан қувонтиришяпти. Сафардан (Рига ва Львов) уч очко олиб қайтиш, ўз майдонида эришилган икки ажойиб ғалаба тошкентликларни ғоят руҳлантириб юборди. Айниқса Симферополнинг «Таврия» клуби билан ўтказилган матчда ҳамюртларимиз чиройли футбол спектакли намойиш этишди. Баҳснинг биринчи минутидаёқ «Пахтакор» олдинга чиқиб олди. Миржалол Қосимовнинг чап қанотдан моҳирона узатиб берган тўпини Мухадов боши билан дарвозага йўллади. Ҳисоб — 1:0.

Муваффақият майдон эгаларининг ғайратига ғайрат қўшиб юборди. 17-минутда Қосимов — Мухадов комбинацияси гол билан якунланишига бир баҳя қолди. Орадан етти минут ўтгач бу икки футболчи яна маҳорат кўрсатди. Ҳужум давомида Пятницкий тепган тўп дарвоза тўсинига тегиб ўтди. «Таврия» билан ўйинда учта гол унинг меҳнати билан бўлди ва яна қанча қулай имкониятлар вужудга келтирилди. Синелобов, Пятницкий, Мухадов, Микляев ҳаракатларидаги жанговарлик кишини қувонтиради. Яхши ният ёрти мол дейдилар. Қанийди командамиз ўз олдига қўйган улуғ мақсадни шу йил уддаласа. Ахир «Қайрат», «Нефтчи» каби кечагина олий лига билан хайрлашган клублар жиддий ҳаракат қилишяптику!

Кези келганда айтиб ўтиш даркор, охирги ўйинларга пахтакорчилар ҳимоясида пала-партишликлар сезилиб қоляпти. Баъзи ҳолларда ҳимоячиларимизнинг шошиб қолишлари сезилади. Натижада дарвоза олдида ортиқча ҳавфли вазиятлар содир бўляпти. Эҳтимол, тажрибали Денисовнинг ўрни билингандир. Бу кўпроқ команда раҳбарларига маълум. Ўйлаймизки, бу камчиликлар тез орада барҳам топади, «Пахтакор» бундан буён ҳам шиддатли ўйинлар кўрсатиб, ўз ишқибозларини хурсанд қилаверади.

Ҳамюртларимиз навбатдаги икки турни сафарда ўтказишади. Улар бугун Кутаисида «Торпедо»га, 28 майда эса Абовянда «Котайк»ка қарши майдонга тушишади.

Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

	У	Ю	Д	М	Т	О
МАСК	10	7	1	2	30—7	15
«Қайрат»	10	6	3	1	21—8	15
«Нефтчи»	10	5	4	1	13—9	14
«Пахтакор»	10	5	3	2	16—5	13
«Нистру»	10	5	1	4	9—11	11
«Спартак»	10	4	3	3	11—11	11
«Факель»	9	3	5	1	5—2	11
«Динамо» Ст	9	2	7	0	8—6	11
«Котайк»	9	4	2	3	12—4	10
«Геолог»	8	4	1	3	8—7	9
«Металлург»	9	4	1	4	10—11	9
«Таврия»	9	3	3	3	13—16	9
«Динамо» Бт	9	3	3	3	6—11	9
«Кубань»	10	3	2	5	9—18	8
«Ростсельмаш»	8	2	4	2	8—9	8
АСК Р	9	3	1	5	13—13	7
«Торпедо»	8	3	1	4	10—14	7
«Гурия»	7	2	3	2	9—7	7
«Шинник»	9	2	3	4	8—17	7
«Кузбасс»	9	0	4	5	2—10	4
«Карпати» АСК	10	0	4	6	8—17	4
«Даугава»	10	0	3	7	5—21	3

«Улдуз»—Озарбайжон маданияти маркази

Тошкентдаги Октябрь инқилоби номли клуб қошида ташкил этилган «Улдуз» Озарбайжон маданияти маркази илк келувчиларни қабул қилди. Озарбайжон тилини ўрганиш бўйича курс марказнинг биринчи тадбирларидандир. Миллий асбоблар — балабан ва нагарда чалишни ўргатиш бўйича музикали студияларда машғулотлар бошланади.

Марказ совет маданияти фонди Ўзбекистон республика бўлимининг бевосита иштироки билан ташкил этилди.

— Бизнинг ишимизнинг бош йўналишларидан бири — маданий қурилиш борасидаги вазифаларни ҳал этишга, миллатлараро муносабатларни таҳкимлаштиришга, мамлакат халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашишдан иборат, — деди марказ кенгаши раисининг ўринбосари Сулаймон Агаларович Рагимов.

Юртдошларга ва барча ҳоҳловчиларга озарбайжон тилини, миллий тарих ва адабиётни, халқ анъаналари ва одатларини ўрганишда ёрдам бериш — марказнинг режаларида бор.

Марказ қошида вокаль-этнографик группа ташкил этилмоқда,

(ЎзТАГ мухбири).

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Кўнгилли хордиқ олишни истайсизми?...

ЩУНДАЙ НИЯТДА БЎЛСАНГИЗ,

29, 30 МАЙ КУНЛАРИ

СИЗНИ Тошкент область комсомол комитети қошидаги «ДИЁР» ЁШЛАР МУАММОЛАРИ ҚООРДИНАЦИОН МАРКАЗИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИГА

таклиф этади

Сизга ленинободлик бадиий сўз устаси

ҲОЖИБОЙ ТОЖИБОЕВ

БИР ОЛАМ ТАБАССУМ УЛАШАДИ

Ёш лирик хонандалар: САЛОҲИДДИН МУҲИДДИНОВ, ЮЛДУЗ АБДУЛЛАЕВА, АБДУЛЛА РАҲИМЖОНОВ ВА МАҲАМАДЖОН ХИДИРАЛИЕВ ҚЎШИҚЛАРИ

завқ бағишлайди деган умиддамиз.

Программани — АСРОР АБРОРХЎЖАЕВ олиб боради.

Хуш кайфият улашиш соат 17.00 ва 20.00 да бошланади.

Билетларни В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларидан ҳамда «Диёр» Ёшлар муаммолари координацион марказидан сотиб олишингиз мумкин.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

31 МАЙ, 1—2 ИЮНЬ СОАТ 20.00 ДА

кулги кечаси

ҚАТНАШАДИЛАР:

Тўртинчи қизиқчи ва аскиячилар республика кўрик конкурси ва «ҚИЗИҚЧИ-89» конкурсининг лауреатлари:

Мирза ХОЛМЕДОВ, Ботир МУҲАМЕДХЎЖАЕВ, Обид АСОМОВ, Абдулла АКБАРОВ;

«ҚИЗИҚЧИ-89» конкурсининг лауреатлари:

ТОЛИБ ҲОЖИЕВ, ОЛИМ ЮНУСОВ, ТУИҒУН САЪДУЛЛАЕВ, БАХТИЁР ИЎЛДОШЕВ;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ЗИЁДА МАДРАҲИМОВА

ЛИРИК ХОНАНДА

МАВЛУДА ТУРДИЕВА

ПРОГРАММАНИ — бадиий сўз устаси, тўртинчи қизиқчи ва аскиячилар республика конкурсининг лауреати ТУХТАМУРОД АЗИЗОВ олиб боради.

ПОСТАНОВКАЧИ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати АБДУРАШИД РАҲИМОВ.

Билетлар соат 14.00 дан сотилади.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

Марказий «Пахтакор» стадионида

25, 26, 27 МАЙ СОАТ 20.00 ДА
28 МАЙ СОАТ 17 ВА 21.00 ДА

Алла Пугачёванинг қўшиқлар театри

«ЁШЛАР—ЁШЛАРГА» КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

ПРОГРАММАДА:

АЛЛА ПУГАЧЁВА

КУИЛАЙДИ ВА ЎЗ ДЎСТЛАРИ

Ольга КОРМУХИНА, Александр ЛЕВШИН, Филипп КИРКОРОВ, Руслан ГОРОВЕЦларни таништиради.

«РЕЦИТАЛ», «ГЕЛЛА», «А,СТУДИО», «БЕЛЫЙ КАМЕНЬ» группалари иштирок этади.

Билетлар стадион кассаларида ва билет тарқатувчилар томонидан соат 14.00 дан бошлаб сотилади.

Пассажирлар диққатига!

Ўзбекистон проспекти бўйлаб Пролетар кўчасидан ЦУМ гача бўлган ораликда трамвай йўлларини капитал ремонт қилиш амалга оширилиши муносабати билан

26 МАЙ СОАТ 22 ДАН БОШЛАБ 28 МАЙ СОАТ 20.00 ГАЧА

ТРАМВАЙ МАРШРУТЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ

тўхтатилади

ТРАМВАЙ МАРШРУТЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ҚУЙИДАГИЧА ТАРТИБДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ:

1-МАРШРУТ — Образцов кўчаси — Санъат музейи—2-ТошМИ;

3-МАРШРУТ — «Чкалов» метро станцияси — Олой бозори — 2-ТошМИ;

5-МАРШРУТ — Қўйлиқ-Госпиталь бозори — «Россия» меҳмонхонаси — Марказий бозор;

13-МАРШРУТ — (жуфт жадвал): ТТЗ — «Ташсельмаш» — Олой бозори — ТТЗ; (тоқ жадвал): ТТЗ — Генерал Петров кўчаси — Олой бозори — 2-ТошМИ—ТТЗ;

28-МАРШРУТ — Юнусобод массиви — Санъат музейи —Полторацкий кўчаси— Госпиталь бозори — «Россия» меҳмонхонаси — «Самарқанд» автостанцияси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ БАРЧА ТУРДАГИ ШАҲАР ПАССАЖИР ТРАНСПОРТИ ИШИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БОШҚАРМАСИ.
(Телефон: 33-34-40).

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/V **Петр Биринчи**, 26/V да **Дон Кихот.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/V да **Шайтон ва муридлар**, 26/V да **Тошболта ошиқ.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/V да **Драма актёрлари куйлайди** (18.00), 26/V да **Алвидо, қаёт** (19.30).

Кино

25 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» (16, 18.30, 20.40).

Чайка — «ТИМСОҲ ДАНДИ-2» (16, 18.30, 21.00).

Ватан — «ХУДОНИНГ ОШНАСИ» (16, 18, 20, 21.30).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ТИМСОҲ ДАНДИ-2» (16, 18.30, 21.00)

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЯККА ЎЗИ» (жуфт соатларда).

Дружба — «МАҚОЛА» (ҳар соатда).

Қозоғистон — «ТИМСОҲ ДАНДИ-2» (16, 17, 18.30, 20.00).

К. Ёрматов номли — «ЯККА ЎЗИ» (тоқ соатларда).

Восток — «ҚОРА ОЙ»НИНГ ЧИҚИШИ» (17, 19, 20.40).

Лисунов номли — «АЖДАҲОНИ ЎЛДИРИШ» (16, 18.30, 21.00).

Фестиваль (ёзги) — «ҚОРА ОЙ»НИНГ ЧИҚИШИ» (21.40).

ХИВА (ёзги) — «ТИМСОҲ ДАНДИ-2» (21.40).

26, 27 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.40).

Чайка — «ФАВВОРА» (11.30), «ТИМСОҲ ДАНДИ-2» (13.30, 16, 18.30, 21.00).

Ватан — «ХУДОНИНГ ОШНАСИ» (12, 14, 16, 18, 20, 21.30).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ТИМСОҲ ДАНДИ-2» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЯККА ЎЗИ» (жуфт соатларда).

Дружба — «МАҚОЛА» (ҳар соатда).

Қозоғистон — «ТИМСОҲ ДАНДИ-2» (11, 12, 13.30, 14.30, 16, 17, 18.30, 20.00).

К. Ёрматов номли — «ЯККА ЎЗИ» (тоқ соатларда).

Восток — «ҚОРА ОЙ»НИНГ ЧИҚИШИ» (11, 13, 15, 17, 19, 20.40).

Лисунов номли — «ҒИРТ ЁЛҒОНЧИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Фестиваль (ёзги) — «ҚОРА ОЙ»НИНГ ЧИҚИШИ» (21.40).

Хива (ёзги) — «ЗУМРАД ТОШ МОЖАРОСИ» (21.40).

Автомат-жавоб берувчи телефонлар:

Дружба — 67-96-87

Ўзбекистон ССР 25 йиллиги — 53-65-87

С. Раҳимов номли—48-46-71

Ҳамза номли — 91-10-51

Искра — 39-14-59.

Тинчлик — 58-34-88.

ДИҚҚАТ!

СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

27 ва 28 майга белгиланган

КОНЦЕРТДА

НАСИБА АБДУЛЛАЕВАнинг бетобликги сабабли унинг ўрнига

Бутуниттифоқ ёш вокалистлар конкурсининг лауреати

ЮЛДУЗ УСМОНОВА

ҚАТНАШАДИ.

Сотиб олинган билетлар ўз кучини сақлайди.

«Тошкент оқшоми» редакцияси коллективи газетанинг катта мухбири Р. Н. Файзуллаевга акаси

Лутфулла ФАЙЗУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ депутатлари Октябрь район Совети ижроия комитети халқ таълими бўлими ва 102-ўрта мактаб коллективи шу мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси

Ҳайдарали МАҚСУДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона—32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши—32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги —32-54-19; ижтимоий масала — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32-54-15; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Якшанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.

Р—09705. Ички саҳифаларга 20.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б. 2106. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10